



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI
ISHTIXON TUMAN HOKIMLIGI
MOLIYA BO‘LIMI**

140700, Ishtixon shahri, A.Temur kochasi 3-uy, tel.:(66) 629-18-19, e-mail: ishtixon-moliya@exat.uz, ishtixonmoliya@SAM.mf.uz

**Иштихон туманининг маҳаллий бюджети ва унинг ижроси бўйича
маълумот**

Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 30-декабрдаги “2022-йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонунига ҳамда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021-йил 30-декабрдаги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 30-декабрда IV-59-140-7-95-Q/21-сонли “Иштихон туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан Иштихон тумани маҳаллий бюджетининг 2022-йил учун даромадлари **118 834,850 млн. сўм**, харажатлари **184 591,291 млн.сўм** прогноз қилинган ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар **65756,4 млн.сўм** миқдориди тасдиқланди.

Маҳаллий бюджетнинг 2022 йил 1-чорак даромадлар тушуми прогнози **17 млрд. 406 млн. сўм**ни ташкил этиб, ҳисобот чорагида **19 млрд. 780 млн. сўм**га бажарилди ёки белгиланган режага нисбатан **114,0** фоизга бажарилиб, даромадлар режаси **2 млрд. 374 млн. сўм**га орттириб бажарилди. Жумладан;

- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича режа **6 млрд. 363 млн сўм**ни ташкил қилиб, ҳақиқатда **6 млрд. 179 млн сўм**га бажарилди.
- Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиғи бўйича режа **311,3 млн сўм**ни ташкил қилиб, ҳақиқатда **616,9 млн. сўм**га бажарилди.
- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича режа **551,8 млн. сўм**ни ташкил қилиб, ҳақиқатда **2 млрд 826,4 млн сўм**га бажарилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида туман молия бўлими ва Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан жорий йилнинг 1 чорагида жами **597,8** млн сўм қўшимча даромадлар йил охиригача туширилиши бўйича манба аниқланган бўлиб, шундан **319,4** млн. сўм маблағ ундирилишга эришилди.

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 чорак харажатлари **69 млрд. 273 млн.** сўмга режалаштирилган бўлиб, ўтган чоракда **62 млрд 612 млн** сўм харажат қилинди ёки маҳаллий бюджет харажатлари **90,4** фоизга бажарилиб, **6 млрд 661 млн** сўм кам харажат қилинган.

Туман маҳаллий бюджетидан 1-даражали харажатлар, жумладан, иш хаклари ва унга тенглаштирилган тўловлар, ижтимоий нафақалар, иш хақиға нисбатан пенсия фондига ажратмалар ва коммунал хизматлар харажатларига тўлик ва ўз вақтида маблағ билан таъминиб келинмоқда.

2022 йил 1 чорак давомида маҳаллий бюджетнинг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан **365,7 млн.** сўм, эркин колдик маблағлари ҳисобидан **5 млрд 872 млн.** сўм, маблағлар туман ҳокимининг фармойишларига ҳамда Халқ депутатлари кенгашининг қарори билан ажратилмоқда.

Жумладан: Эркин колдик маблағлари ҳисобидан


- “Темир дафтар”га **812,6** млн. сўм
- “Аёллар дафтари”га **812,6** млн.сўм
- “Ёшлар дафтари”га **812,6** млн.сўм

Шунингдек захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан

- Тумандаги обод қишлоқ дастурига тушган қишлоқларда та’мирлаш ишларига кетган бўёқ харажати учун **50,0** млн сўм.
- Туман маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига мебель жиҳозлари учун **78,5** млн сўм маблағлар ажратилди.

Ishtixon tuman hokimligi

moliya bo‘limi mudiri:



S.Ibragimov